

АСПЕКТУАЛ КОНЦЕПТЛАР ВА УЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Навруз Имамов

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Тилларни ўқитиш” кафедраси ўқитувчиси

Муниса Каримова

Самарқанд давлат чет тиллар институти “Инглиз филологияси” кафедраси ўқитувчиси

ARTICLE INFO.

Калит сўзлар: аспекттуаллик, аспекттуал семантика, чегараланганлик, каузативлик, тугалланганлик, натижавийлик, аспекттуал вазият.

Аннотация

Мазкур мақолада аспекттуал семантиканинг ўрганилишининг назарий асослари берилган ва маълум мисоллар асосида таҳлил этилган. Аспекттуаллик тадқиқи майдон назариясдан фарқланиш хусусиятларини очиқ бериш мақола мазмуни ҳисобланади. Предикат доирасида содир этиладиган маънолар аспекттуал семантикани ташкил қилиши ва уларнинг таркибий қисмини шакллантирувчи вариантлар аниқланади.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2023 LWAB.

Сўнги йилларда инглиз тилидаги феълларнинг шахсий формаларини семантик таҳлил этишга кизиқишнинг ошганлиги кузатилмоқда. Бунда асосий эътибор феъл оркали ифода этилаётган ҳаракатнинг ўзига хос белгиларини аниқланган феълни куршаб турган бошка компонентларнинг ҳаракат мазмунига кўрсатаётган таъсирини таҳлил этишга қаратилмоқда. Мана шундай саъй-ҳаракатлар натижаси уларок ҳозирги кунда кенг таркаётган аспектнинг мураккаб характери хақидаги концепция вужудга келади. Феъл шакллари семантикасининг тадқиқ этишга қаратилган ишларда «аспект» тушунчасида аниқланаётган мазмунни куриб чиқиш фойдадан холи эмас. Мазкур концепциянинг марказида турувчи гоё шундан иборатки, аспект фақатгина феълнинг белгиси эмас, яъни морфологик категория эмас, балки феъл, от гуруҳлари, улчов ва микдор бирликларини бирлаштирувчи (предложные обороты) мураккаб тил ходисасидир [3]. Мазкур концепциянинг устунлиги шундаки, унда тус муносабатлари таҳлил қилиш мумкин булган даражага келтирилади, ҳаракатнинг тусга хос характеристикалари (белгилар) унинг субъектга булган муносабатларида курилади. Г. Виркюль аспектнинг таркибий категориялари гапнинг юкори чуққисига тааллуқли деган хулосага келадик, бунда гап «нисбатан оддий даражадаги формалудан иборат булади, субъект феъл – объект- воситали тулдирувчи – предлогли тулдирувчи» [2]. У аспекти –перфект ва перфект булмаган (тугалланган ва тугалланмаган) аниқлаш имконини берадиган формулалар тузган эди. Бу карама-каршилиқ феълларни семантика нуктаи назаридан классификация қилишга асосланган. [1, 217,234]. Ҳаракат, жараён холатга асосланган классификациядан фарқли уларок 3. Вендлер феълларнинг семантик гуруҳини фарқлайди: 1) Фаолият ёки гомоген жараёнлар-ноаник вақт бўлаги билан боғлиқ, давомий ҳаракатни англатувчи Activities, масалан: running. 2) Маълум вақт бўлаги билан боғлиқ аввалги жараён натижасида тайёрланган ҳаракатни бажариш (accomplishments)-масалан: running a mile. 3) муайян вақт нукталари билан боғлиқ бир лахзалик ҳаракатлар ва натижалар:

(achievements-reaching the top); 4) ноаник вақт булагин билан боғлиқ давомий ҳолатлар (states) жараёнлар. 3. Вендлернинг юқорида келтирган классификациясидан кўриниб турибдики, семантик гуруҳлар айрим умумий белгиларга эгалар: давомийлик ва бажарув маълум жараёнларини англатиб, маълум вақтда давом этишни ифодалайди. Мазкур икки гуруҳ учун Continuous формада ишлатилиш ҳосидир, айна пайтда икки гуруҳ шу билан бир-бирларидан фарқ қиладики, уларнинг бир яъни бажарув (выполнение) замонда уз чегарасига эга. Худди шундай чегара феълларга ҳам ҳосидир, яъни уларни давомийликнинг йўқлиги ажралиб туради. Виндлер таснифида яъни ҳолат феълларини барча бошқа гуруҳларга қўяди. Шуниси қизиқки битта феълнинг ўзи ўз атрофидаги сўзларга қараб турли гуруҳларга кириши мумкин. М: солиштиринг: He is thinking of Jones ҳаракат ва He thinks that Jones is a rascal-ҳолат.

Ҳар қандай инкор мазмунидаги гап имперфектдир [4, 217]. Ҳолатлар ва давомийлик табиатларга қура имперфектдир, унинг на боши на охири бор, шунинг учун гапларда бундай феъллар ҳам оддий, ҳам давомий шаклларда ишлатилади. My knee hurts\ is hurting қарама қаршилигида аспектлик ўртасидаги фарқ эмас, балки ҳаракатнинг замон характеристикасидаги фарқ кўпроқ кўзга ташланади: давомий шаклда нутқ пайтига нисбат берилса, умумий шаклда умуман замонга нисбат берилмайди.

Аспектлик маъноларда замон категорияси бошқача ифодаланади, яъни у иш ҳаракатининг ички бир хосасини, содир бўлиш жараёнининг ҳаракатини ифодалайди. 3. Вендлер таснифи айна пайтда феъл тусини белгилаш имкониятини ҳам беради: ҳолатни ва фаолиятни ифодаловчи феъллар имперфектив, иш ҳаракатини, натижани ифодаловчи феъллар эса перфектив турлардир. 3. Вендлер таснифининг бошқалардан фарқли хусусиятларининг биринчи томони шундаки, феълнинг перфектив ёки имперфектив бўлишлиги учун иш ҳаракатининг ички (бажарилиши) ёки ташқи (эришилаётган натижаси) чегараси бўлишлиги ёки бўлмашлиги (фаолият - ҳолат) керак [5, 217-234]. Бу ўз моҳияти билан рус лингвистикасида шакланган феълнинг тус характеристикасига оид тушунчаларга ўхшаб кетади. Иккинчи томони эса, феъл ифодалаган иш ҳаракатининг давомийлиги ёки бир зумда содир бўлиши ҳисобланади. 3. Вендлер концепциясини тадқиқ қилган олимлар гапнинг перфективлиги ёки имперфективлигини ифодаловчи қатор воситалар системасини илгари сурадилар. Бу воситалар гапнинг структурасига, субъект миқдорига, тўлдирувчи ва ҳолларнинг типларига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар. Бундай концепцияда аспектлик маъно феъл ва унинг атрофидаги компонентларда аниқланади ва феъл тусини қатъий грамматик категория сифатида белгилашга зарурят тўғилмайди.

Инглиз тилидаги полипредикатив ва монопредикативларда ифодаланадиган аспектлик концептлар бир биридан фарқ қилади. Полипредикативи ҳолларда аспектлик белги асосий маънони берадиган предикативли конструкцияда аниқланади. Монопредикативли структурада эса, кесим вазифасида келган феълларнинг чегараланганлик / чегараланмаганлик хусусиятлари таъсирида юзага келади. Аспектлик концептлар структуравий жиҳатдан сўз ясалишига кўра, семантик қўлланилишига кўра, текст доирасида ҳосил бўлишига кўра ушбу бошланганлик, давомийлик, тугалланганлик, натижавийлик, итеративлик каби аспектлик концептларга бирлашади. Мазкур аспектлик концептлардан натижавийлик ва итеративлик миқдорий хусусиятлар билан боғлиқ бўлса, давомийлик, бошланганлик, тугалланганлик сифатий ўзгарувчанлик хусусиятини билдиради.

Бошланиш маъносини ифодаловчи концепт, семантик қурилиш нуктаи назаридан қаралганда соддароқ туюлиши мумкин, структура жиҳатидан қаралганда мураккаброқ кўринишга эга. Структура нуктаи назаридан қаралганда, мазкур концепт сўз билан, содда гап билан ва текст доирасида урганилади. Қўйидаги мисолларга эътибор қаратамиз: That's what that day began with (Barth: 74). Ушбу мисолда биттагина фаза сўзи воқеа, вазиятнинг бошланишини англатиб келган. Структуравий нуктаи назардан қаралганда пропозиция ҳосил бўлган ва day сўзи модификатор

вазифасини бажариб келган. Шу каби феъл билан ифодаланадиган фаза бутун содда гап доирасида юзага келиши ҳам мумкин. Масалан: *The lobby became a clearing station, with hasty aid for those still living* (Austen, 59). Умуман олганда маъно ёки мазмун бир гап доирасида аниқланмасдан ҳам қолиши мумкин. Масалан: "This started some words upon grocery men and the cost of food in general" (Th. Dreiser, p.52.) Бу каби ҳолда алоҳидаги кичик-кичик эпизодларгина фаза феъли билан ифодаланадиган бошланиш концептининг бутун маъносини, мазмунини очиб бериши мумкин. Масалан: *The price of pictures, more over had if anything gone up, and he had done better with his collection since the war began than ever before* (J. Galsworthy «The Forsyte Saga» (III) p. 9) *I began my speech with the words of greeting* (Maugham; 231). Шунингдек, диектик олмошлар бошланиш фаза концептининг бош нуқтасини билдириб келиши мумкин. *He is the sort of man that ends up a millionaire* (Heller 76).

Давомийлик концепти ҳам структуравий нуқтаи назардан таҳлил этилганда турли семантик хусусиятлари билан ажралиб туради. Қуйидаги мисол ва таҳлилларга эътиборимизни қаратамиз: *He kept standing, leaning on the wire, as though he all day before him, and kept on smiling* (Show, 512). Давомли фаза феъллари эга вазифасида келган субстантив ҳолатини ўрта фазада бўлишини билдириб келади. Хусусан *to continue* давомли фаза феъли нутқ, ҳодиса моментидан олдин бўлган субъект ҳолатини давом этишини билдиради. Масалан: *It had taken him less than a minute to size up the situation, even though the explanations were still continuing* (Hail; 17). Келтирилган мисолда *still* равиши ва *to continue* давомли фаза феълнинг давомли замон шакли шу вақт моментидан олдинги ҳаракат, ҳолатнинг давомийлигини медиал фазасини билдириб келган. Бу каби жараёни бошқа фаза феъли қўлланилганда ҳам кузатишимиз мумкин. Масалан: *Outside the hospital the war was still going on* (Heller; 23). Эга вазифасидаги мавҳум от билан ифодаланадиган ҳолатнинг бир маромда давом этиши ҳам *to go on* фаза феъли ёрдамида ифодаланиши мумкин. *And the life went on in its pleasant, happy way* (Heller; 166).

Кичик вазиятларда юзага келадиган аспектларнинг ҳосил бўлишида битта сўзнинг лексик-семантик хусусияти ва ўша сўзга тегишли бўлган акционал семантиканинг ўрни муҳимроқ ҳисобланади;

Аспектларнинг таҳлиliga композиционал ёндашув фақатгина феълларнинг акционал семантикасини феъл доирасида таҳлил этиш каби назариянидан кенгроқ бўлган, ҳодиса ва жараёнлар асосида, когнитив, прагматик тамойилларга асосланган бўлиб барча табиий тиллар доирасида олиб борилиши мумкинлигини исботлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Vendler L. *Verbs and times // Der englische Aspekt.*/Ed. By A.Schopf. –Darmstadt, 1974. –P. 217-234.
2. Vendler L. *Verbs and times // Der englische Aspekt.*/Ed. By A.Schopf. Darmstadt, 1974. –P. 217-234.
3. Verkuyl H.J. *On the compositional nature of the aspects.* Dordrecht, 1972. XII+185 p.
4. Rappaport Hovav, M. and B. Levin. *Building verb meanings.* In M. Butt and W. Geuder (eds.) *The Projection of Arguments: Lexical and Compositional Factors.* Stanford: CSLI, 1998. –P 97–134.
5. Желтухина М.Р. Тропологическая суггестивность масс_медиального дискурса: о проблеме речевого воздействия тропов в языке СМИ: Монография. Москва_Волгоград, 2003- 223 с.
6. Кубрякова Е. С. *Язык пространства и пространство языка (к постановке проблемы) // ИАН СЛЯ.* 1997. Т. 56, № 3. -С 22–31.

7. Зубайдова, Н. (2019). Стилистический потенциал и коннотативные признаки фразеосем английского языка. *Иностранная филология: язык, литература, образование*, 4(1 (70)), 79-82.
8. Abduxakimovich, S. A., & Akmaljon o'g'li, H. S. (2022). INGLIZ VA O'ZBEK GAZETA MATINLARIDA DEYKTIK BIRLIKLAR VA ULARNING MOHIYATI. *INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM*, 2(24), 419-422.
9. Abduxakimovich, S. A., & Akmaljon o'g'li, H. S. (2022). LINGVISTIKADA MATN TUSHUNCHASIGA OID QARASHLAR. *Scientific Impulse*, 1(3), 978-983.
10. Озокова, Ч. А., & Шерматов, А. А. (2019). К ВОПРОСУ ИСТОРИИ ТЕОРИИ ЖЕНСКОЙ ЛИТЕРАТУРЫ (НА ПРИМЕРЕ СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЫ). In *Современное общество: актуальные проблемы и перспективы развития в социокультурном пространстве* (pp. 167-169).